



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI
1930

ISSN 2181-6875

3
2019

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTI

| | |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| • ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҶОМИ БЕРИЛГАНЛИГИГА ЗОЙЛДИ | |
| Йўлдошева Д.Н. Миллий тил – миллатни шакллантирувчи восита..... | 3 |
| • ANIQ VA TABIIY FANLAR | |
| Джураев Д.Р., Шарипов М.З., Хайитов Д.Э., Эргашева Н.М., Ризокулов М.Н., Шамсиев Р.Х. Динамика колебательного движения доменных границ в феррите-гранате $Tb_3Fe_5O_{12}$ | 6 |
| Дурдиев Д.К., Жумаев Ж.Ж. Задача определения ядра в многомерном интегро-дифференциальном уравнении теплопроводности..... | 10 |
| Гулямов Г., Эркабоев У.И., Шахобиддинов Б.Б., Давлатов А.Б. Температурная зависимость осцилляции продольной электропроводимости в узкоэнергетических полупроводниках..... | 18 |
| Холмуродов А.Э., Дилмурадов Н., Мамасалиев Б.Ж. Инвариантные и частично инвариантные решения системы уравнений двухскоростной гидродинамики с равновесием фаз по давлению..... | 23 |
| Расулов Т.Х., Баҳронов Б.И. Пороговые собственные значения и резонансы модели Фридрихса с двумерным возмущением..... | 31 |
| Зуннунов А.О. Доирадаги содда дифференциал ўйинларда қувиши масаласи..... | 38 |
| Уринов Ж.Р. Свойства неавтоклавных ячеистых бетонов при длительном действии нагрузок..... | 47 |
| Жумаев М.Р., Шарипов М.З., Миржонова Н.Н. Резонансно – диссипативная модель эффекта фарадея в немагнитных диэлектрических средах..... | 51 |
| Убайдуллаева Ш.Р., Абдуллаев Ҳ.Ҳ. Использование метода динамических графовых моделей для расчета релейных систем автоматического управления..... | 55 |
| Хўжаев И.Қ., Ҳамдамов М.М. Ўққа нисбатан симметрик турбулент оқимда метаннинг диффузия ёнишига доир сонли тажриба натижалари..... | 59 |
| Жўраев А.Қ., Жўраев У.А., Шодиева С.У. Суформа дәхқончиликда ресурстежамкор сугориш технологияларини қўллаш..... | 65 |
| Avezmurotov O., Avezmuratova Z.A., Bekberganov A.X. Zodiak yulduz turkumlarini mars yordamida vizual kuzatish uslubi..... | 69 |
| • TILSHUNOSLIK | |
| Сайфуллаева Р.Р., Мамадалиева Н.С., Абузалова М.К., Халикова М.Х. Грамматик валентлик ва унинг синтаксик қурилма тузилишини белгилашдаги аҳамияти..... | 73 |
| Зикриллаев Ф.Н., Жумаев Э.Б. Хорижий тилшуносликда матн ва унга алоқадор масалалар талқини..... | 79 |
| Бегимов О.Т. Оқ ва қора сўзларининг апеллятив ва оронимик сатҳда қўлланиш хусусиятлари..... | 88 |
| Нигматова Л.Х. Из истории лексикографии..... | 93 |
| Хамроева Ш.М. Корпус лингвистикасининг бугунги ҳолати | 98 |
| Kuldasheva N.B., Xamidova M.X. Valeurs de la terminologie dans la linguistique | 106 |
| Холматова В.Н. Нутқий фаолият феъллари коммуникатив восита сифатида | 109 |
| Ахмедова Д.Б. Узбек тили атоб бирликлари ўртасидаги лексик-семантик муносабат асосида семантик теглар мажмунини яратиш..... | 115 |
| Ходжиев Ю.Н. "Алломиш" тили – маънавият тили..... | 121 |
| Ширинова М.Ш. Ортология адабий меъёр ҳақидаги фан сифатида..... | 127 |
| Sayidova G.Y. Shavkat Rahmon she'riyatidagi zoomorf metaforalarining lingvomadaniy xususiyatlari..... | 131 |
| • ADABIYOTSHUNOSLIK | |
| Бақоева М.Қ. Инглиз ва америка шеъриятидан ўзбекчага таржималарда қофиянинг берилиши муаммолари..... | 136 |
| Турысбек Р.С. Перевод – искусство воссоздания..... | 145 |
| Ахмедова Ш.Н., Тешаева Г.Ж. Жамол Камол – лирика назариётчиси сифатида..... | 149 |
| Пардаева З.Дж. Аёл образи:талқин ва таҳлил | 154 |
| Мухитдинова Н.М. Муҳаммад Фозий ҳаёти ва ижоди..... | 159 |
| Қобилова Н.С. Ижодкор ва ижод психологияси | 164 |
| Астанова Г.А. "Минг бир кечা" ва жаҳон адабиёти..... | 170 |
| Қаҳҳорова Ш.А. Фузулийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида фано талқини..... | 176 |

10. Bronte Ch. Jane Eyre. – Syonet Classic. N.Y. & Scarborough, 1990. – 461 p.
11. Christie A. They Came to Baghdad. – Pan Books., L., 1981. – 188 p.
12. Sheldon S. Windmills of the Gods. – Warner Books, N.Y., 1987. – 434 p.
13. Gardner E.S. The Case of the Lazy Lover. – Pan Books, L., 1991. – 189 p.
14. Shaw I. Night work. – Pan Books., L., 1989. – 346 p.
15. Vonnegut K. Slapstick. – Dell Publ., N.Y., 1986. – 243 p.

УДК: 83.3

**ЎЗБЕК ТИЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
МУНОСАБАТ АСОСИДА СЕМАНТИК ТЕГЛАР МАЖМУИНИ ЯРАТИШ**
**СОЗДАНИЕ НАБОРА СЕМАНТИЧЕСКИХ ТЕГОВ НА ОСНОВЕ ЛЕКСИКО-
СЕМАНТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ НОМИНАТИВНЫМИ ЕДИНИЦАМИ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА**

**CREATING A SET OF SEMANTIC TAGS BASED ON THE LEXICAL-
SEMANTIC RELATIONSHIP BETWEEN THE UNITS OF THE UZBEK LANGUAGE**

Ахмедова Дилдора Баҳодировна

БұхДУ бошланғыч таълим назарияси кафедрасы ўқитувчысы

Таянч сўзлар: синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабат, луғавий даражаланиш, майдон иерархияси, семантик майдон, лексико-семантический муносабат, тил корпуслари, семантик теглаш.

Ключевые слова: синонимические, антонимические, градуонимические, партонимические и гипонимические отношения, степень словесности, площадь иерархии, семантическое поле, лексико-семантическое отношения, языковой корпус, семантическая маркировка.

Key words: synonymous, antonymic, graduonymic, partonymic and hyponymic relations, degree of literature, area of hierarchy, semantic field, lexical-semantic relations, language corpus, semantic tagging.

Мақолада ўзбек тилидаги лексик-семантик муносабатларнинг атоб берилганини теглашдаги ўрни масаласи ёритилган. Шу асосда семантик теглар мажмумини яратиш бўйича намуна келтирилган. Синонимлик, антонимлик, уядошлик ҳодисалари атрофлича изоҳланган.

В данной статье освещены задачи лексико-семантических отношений номинативных единиц в узбекском языке. В статье приведены создание набора семантических тегов. Также подробно исследованы явления синонимии, антонимии и правила собирательности.

In this article the issue of the usage of lexic-semantic units to tag nominative units is analyzed. Here are given examples of creating a set of semantic tags. Features of synonyms, antonyms, and related words are analyzed thoroughly.

Кириш. Тил – яхлит бир бутунликни ташкил қилувчи элементлар системаси. Уни ташкил этувчи ҳар бир элементнинг маъноси бир вақтнинг ўзида системани ташкил қилаётган бошқа элементларнинг мавжуд бўлишидан келиб чиқади. “Моҳиятини ҳалигача ҳеч ким англамаган, умри давомида имкониятларининг миллиард-миллиарддан бир қисмидан ҳам ҳеч ким фойдаланишга улгуролмайдиган, чексиз саналган тил саноқли маъно гишталари (семалар), шакл берилларни ва муносабат турларининг ўзаро ранг-баранг бирикиб, кўз кўролмайдиган, қулоқ эшитиб ниҳоясига етолмайдиган турли-туманликни ташкил этади. Буни факат риёзиётда ўн рақами ва тўрт амалнинг соддалиги, риёзиёт эса шуларнинг турли хилдаги бирлашувининг натижасидан иборатлиги билан ёки моддаларининг хилма-хиллигини санаб, тавсифлаб поёнига ета олмайдиган Қуёш тизими сайёralаридаги барча моддаларни Д.И.Менделеевнинг кафтдек келадиган кимёвий элементларнинг даврий жадвали ўз ичига олиши билан қиёслаш мумкин. Тилшуносликнинг вазифаси эса мана шундай тизимни очишдан иборатдир” [6, 123].

Лексикаға семантик майдон назарияси асосидаги ёндашувдан келиб чиқиб, корпусда түшунча орқали сүзге борилса, сўзлараро лексик-семантик муносабат орқали сўздан түшунчага бориш мумкин. Яъни бундай ёндашув тил корпусларида семантик белгилар асосидаги қидирувнинг яна бошқа куринишини келтириб чиқаради.

Семантик тег (рус., разметка) – тил корпусларидаги сўз ёки сўз биримининг маълум бир семантик категория ёки ундан ҳам кичикроқ семантик гурӯҳ (ЛСГ, семантик майдон ва тўда)га мансублигини билдирувчи, маънони маҳсуслаштирувчи белги, изоҳлар мажмуюи [1, 48-49]. Корпуснинг семантик теглари сўз маъно(лар)и спецификаси, сўзниг омонимлик, синонимлик билан боғлиқ изоҳлар мажмунини тузиш, сўзни категориялаш, унинг мавзувий гурӯҳ, ЛСГ, семантик майдонга мансублигини белгилаш, деривацион характеристикаси, аташ маъноси каби белгиларни қамраб олади. Рус тили миллий корпуси (НКРЯ)нинг семантик тег(разметка)лаш принципларини кузатиш шуни кўрсатдики, бу корпусда бир сўзшаклга уч турдаги белгилар бириттирилади:

- 1) разряд (ном ёки унга ишора сўз: предмет, шахс ва x.);
- 2) лексик-семантик характеристика (лексема тегишили бўлган ЛСГ ёки семантик майдон, каузативлик белгилари ва x.);
- 3) деривацион тавсиф.

Семантик теглашда, бошқа разметкаларда бўлганидек, ягона стандарт шакл бўлмаса ҳам, ҳарф, рақам ёки фақат рақамдан иборат кодлардан фойдаланилади. Биринчи ҳарф ёки рақам умумий семантик маънони, кейинги белги эса сўз маъносини янада маҳсуслаштирувчи кичик семантик гурӯҳни ифодалайди. Семантик тег нафақат сўз, балки кўплаб бирималарни ҳам семантик гурӯхларга бирлаштиради; бундай пайтда турли биркувудаги бир маънони билдирувчи бирималар битта белги билан кодланади. Идиоматик бирлик (ибора) таркибидаги сўзлар миқдорини билдирувчи ахборот ҳам разметкадан жой олади. Семантик тег корпусдаги сўз маъносининг ихтинослашуви, омонимлик, синонимлик, маъновий гурӯҳга ажратиш каби муаммоларни ҳал қиласиди. В.П.Захаров, С.Ю.Богдановалар ҳам рус тили миллий корпусини тузишда семантик разметкалашнинг ўз вариантини тақлиф қиласиди; [1;45] уларнинг фикрича, ҳар бир сўзга уч хил – сўз разряди, лексик-семантик тавсиф, деривацион изоҳ бериш маъқул.

Семантик разметка корпус воситасида лингвистик амаллар бажариш имконини кенгайтирувчи иш қуроли: корпусда семантик аннотацияланган бирликнинг мавжуд бўлиши фақат алоҳида сўзни эмас, балки фойдаланувчи томонидан сўралган бирима ҳолидаги конструкция қидирувига жавоб бериш имконини пайдо қиласиди. Маълумки, тил корпуслари – лингводидактик, лингвистик ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг зарурий иш қуроли. Корпус ҳақидаги тадқиқотларда корпуснинг сўз ўрганишдаги катта ахборот базаси эканлиги аллақачон ўз исботини топган [1, 27]. Тил корпуслари сўзниг барча маънолари, шу билан бирга лексик-семантик муносабатга киришадиган сўзлари билан ёнма-ён изоҳланиши билан изоҳли луғат, тезаурус ва гиперлуғатлардан фарқ қиласиди. Изоҳли луғатда фақат сўз маъноси изоҳланади; тезаурус ва гиперлуғат сўзниг нисбатан кўпроқ қирраларини очишга қаратилган бўлса-да, қидирувнинг соддалиги, имконияти чекланганлиги билан корпусдан фарқ қиласиди. Катта ҳажмли тил корпуси, маълум маънода, сўзни изоҳлаш, уни тилдаги муносабатлари билан бирга кўрсата олиш имкониятининг мавжудлиги билан юқорида саналган ахборот манбаларидан афзаллиги билан ажралиб туради. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин?

Асосий қисм. Семантик майдон назарияси асосида соҳалараро алоҳида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, асосан, 70-80 йиллардан бошланди. Шу муносабат билан ўзбек тили лексикологияси тавсифий босқичдан янги назарий босқичга кўтарилиди. Бу босқич лексикани маълум бир семантик гурӯхлардан, муайян маъно элементларининг муносабатларидан ташкил топган яхлит бир система сифатида ўрганиш билан характерланади [3, 37].

А.Собировнинг фикрича, ўзбек тилшунослигига майдон назариясининг кириб келиши тил бирликларига нисбатан систем-структур методларнинг қўлланила бошлаши билан боғлиқ. Бу борада амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлар ичida А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, И.Қўчқортов, Э.Бегматов, Т.Мирзакулов,

Ш.Искандарова, О.Бозоров, Р.Сафарова, Б.Қиличев, М.Нарзиева, Ҳ.Ҳожиеваларнинг илмий кузатишлари ва олинган хуносалар ўзбек тили лексикасини майдон назарияси асосида ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ш.Искандарова шахс микромайдони мисолида ўзбек тили лексикасини семантик майдон сифатида ўрганиш муаммоларини кўтариб чиқди. Ш.Искандарова оламнинг гурухларга бўлиниши ва унинг тилда акс этиши ҳақида батағсил фикр юритиб, шахс микромайдонида фаолият кўрсатувчи 100га яқин лексик-семантик гурух ҳақида маълумот беради. Масалан, **саводхон, донишманд, заковатли, фаросатли, идрокли, қолоқ** каби лексемалар савия асосида фарқ қилувчи номлар гурухига киритилади, уларнинг умумий ва фарқли томонлари изоҳланади. Т. Мирзақулов ўзбек тили морфем парадигматикиси ва синтагматикиси масалаларига тўхталар экан, функционал-семантик майдоннинг хусусиятларини ёритиб беради. Унинг таъкидлашича, тилшуносликда майдон (лексик, лексик-семантик, семантик, морфосемантик, ассоциатив, грамматик, функционал-семантик майдон) парадигматика, парадигма тушунчаларидан фарқланмаган ҳолда кўлланилавради. Аслида, майдон бир умумий мазмун ёки шакл ўхшашлиги асосида турли сатҳларга тегишли бирликларнинг функционал-семантик бирлашувидир. М.Абдувалиев ҳар қандай майдоннинг маъно ва ифода плани қисмларидан ташкил топишини таъкидлаган ҳолда, майдонда доминант, ядро ва периферия қисмлари мавжуд бўлиши ҳақида фикр юритади. Ҳар бир тилда лексемалар муайян қонун-қоидалар асосида бир ерга жамланади.

Тилдаги семантик майдон иерархиясини белгилаш, мазкур майдонлардаги макро, медио ва микрокурилмаларни аниқлаш учун, аввало, тилнинг фалсафий асосларига эътибор бериш лозим. Фалсафада оламга нарса ва ҳодисанинг боғланишлари, алоқадорлиги, муносабатларнинг тартибли, тадрижий ривожланиши, макон ва замондаги бирлигига асосланган яхлит бир система сифатида қаралади. Мазкур система ичидаги алоқаларни таъминлайдиган мустақил таркибий қисмларнинг ҳар бири элемент саналади [8, 206-207].

А. Собировнинг таъкидлашича, оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса/воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимдан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлиги синергетиканинг ўрганиш обьекти саналади. Синергетика ютуқларига асосланган ҳолда оламни учга бўлиш мумкин:

1. Микродунё. Атом миқёсидан кичик бўлган дунё. Бу дунёга атомни ташкил қилувчи элементлар, атом ядрои, кварклар киради. Микродунё элементларини оддий кўз билан кўриб бўлмайди, лекин улар бутун оламнинг моддий асосини ташкил қилади. Ҳозирги илм-фаннинг аниқлашига кўра, реал борликдаги ҳар қандай жисм молекуладан, молекула эса атомлардан ташкил топади. Атомнинг ядроида протон, нейтрон, кварк, глюон, нуклон, гиперон, барион каби заррачалар мавжуд бўлади. Мазкур заррачалар ўзига хос қонуниятлар асосида бир-бири билан бирлашиб туриб, реал предмет/ҳодисани ҳосил қилади. Уларнинг ҳар бири тилда алоҳида номга эга бўлади.

2. Макродунё. Биз одатланган ўлчовдаги, яъни микроскопик қатталиктаги нарсаларга макродунё дейилади. Макродунё муайян жисм, нарса-ҳодиса сифатида намоён бўлади ва мегадунёнинг асоси саналади. Макродунёдаги ҳар бир аъзо тилда ўзининг муҳим номига эга.

3. Мегадунё. Ер, ой, қуёш, юлдуз – бутун коинотнинг структуравий яхлитлиги, ўзаро гравитацион таъсири туфайли бириқиб турган дунё.

Юқорида айтилганидек, лингвистиканинг энг асосий муаммоси – тилнинг системалилиги. Система – ташкил этувчи элементларнинг ўзаро ички алоқадорлиги. Тилнинг лексик қатлами ҳам бундан мустасно эмас. Бу қатлам оддий алоқа эмас, балки парадигматик ва синтактик муносабатлардан ташкил топади. Шунга асосан, у турли муносабатлар асосидаги маъновий гурухлардан иборат.

Корпус бирлигини семантик теглашда “сўздан тушунчага” принципига амал қилиш корпусдаги сўз изоҳининг ҳар томонлама кенгайишига олиб келади. Бунда корпус фойдаланувчисига семантик белгилар асосидаги қидибув ойнасида сўз маъноси қидибувидан фойдаланиш имкони пайдо бўлади. Глобал тармоқда мавжуд тил

корпұларининг аксариятида семантик қидирудыннан сүз маъносины изоҳли луғат каби кенг изоҳламаслигини камчилик сифатида қайд этиш үринли. Корпұлар сүзниң құллаш контекстига ҳавола қилиши, сүзниң бошқа бирлик билан бөглана олиш имкониятими намоён қилиши семантик белгиларининг барчасини күрсатмайды. Фойдаланувчи қидираётган сүз ҳақида түлиқ ва яхлит маълумотни ҳам бир жойдан топиши лозим. Миллий корпусда тилде мавжуд барча сүзларнинг маъноси изоҳланса, муаллифлик корпусида айни муаллиф лексикасига оид сүзлар ҳамда уларнинг шу муаллиф лексикасида юзага чиқкан маъноси ҳақида маълумот берилади.

Семантик теглашнинг бошқа йұналиши – “сүздан тушунчага” принципи сүз маънолари изоҳи, лексик-семантик мұносабатта киришувчи лексемалари: синоним, антоним, гипоним/гипероним, градуоними, холо/мероними ҳақидаги изоҳларни тег сифатида бириктириш ҳисобланади. Семантик теглашнинг теглар тизимига сүзшакл, лемма, изоҳли луғатдагидек маънолари, мавжуд синоним, градуоним, гипоним/гипероним, холо/мероним, антонимлари ҳақидаги изоҳ киради. Қуйида бир сүзниң семантик тегланишини таҳлил қиласымыз. Семантик тег таркибиға “туркумий белгиси”, “маъноси”, “синоними”, “антоними”, “уяси”, “уядоши”, “даражаланиш қатори”, “келиб чиқиши”, “омоними”, “услуби”, “пароними”, “вариантти”, “құлланиш даври” каби белгилар кириши мүмкін. Юқорида саналған белгиларнинг барчаси сүзниң семантик белгилари билан бөлгілік. Сүзниң лексик-семантик мұносабатын ассоспланиб, семантик теглашнинг құйидаги күринишини маъқуллаймыз.

| № | Сүз (лемма) | Түркү- мий белгиси | Маъноси | Синон- ими | Анто- ними | Уяси | Уядо- ши | Даража- ланиш қатори |
|---|----------------|--------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------|---------------|-------------------------------------|-------------|----------------------------|
| 1 | <осмон> | от, үрин жой номи | 1. Ер устида гүмбаз шаклида күриниб турған мовий фазо; 2. Ер атрофини үраб олған олам фазоси (астрономик жисмлар макони). | само, фалак, күк. | Ер, замин | Фазо. Фазови й ҳолат. Шакл | | |
| 2 | <ер> | от, үрин жой номи | 1. Қуёшдан кейинги учинчи планета. 2. Шу планетаның қуруқлық қисми (сүв билан қопланған қисмінде қарама-қарши қўйилғанда). 3. Планетамиз қобигининг сиртқи қатлами. 4. Бирор нарса банд қилиб турған, эгаллаган үрин, жой, макон. | үрин, жой, макон. | Осмон | Текисли- к | | |
| 3 | <хотин> | от, шахс оти, қариндо шлик ЛМГ | 1. Жинсий жиҳатдан әрқак тоифасига зид, фарзанд күриш, эмизиш қобилиятига эга | рафиқа, завжа | Эр | оила микром айдони | | |

| | | | | | | | |
|---|---------|-------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|-----|--------------------------------------|--|
| | | | одам; аёл. 2. Бирор эркак никоҳидаги аёл. | | | | |
| 4 | <касал> | транспоз иция сифатдан отга, ҳолат ЛМГ | 1 от Организм меъёрий холатини, фаолиятини бузувчи нарса; касаллик, дард. 2 сфт. Организмининг меъёрий ҳолати, фаолияти бузилган, касаллика йўлиқкан; бетоб. | Бемор | соғ | Касал лик микро майдо ни | |

А.Собировнинг фикрича, лексемаларнинг мавзувий майдони, мазмуний гуруҳ ва тўдалари, улар ўртасидаги маъновий муносабатларни ўрганиш ўзбек тили лексикологиасининг истиқболли йўналишларидан бирини ташкил қиласди [2, 140]. Бу йўналиш маълум бир мавзу доирасига кирган лексик бирликларни атрофлича тадқиқ этиш, уларнинг лисоний белгиларини аниқлаш ва турли мақсадларга мўлжалланган луғат, глоссарийлар яратиш билан тавсифланади. Ш.Раҳматуллаевнинг фраземалар ва омонимлар, А.Ҳожиевнинг синонимлар, муаллифлар гуруҳининг антонимлар, Х.Бердиёров ва Р.Расуловнинг паремиологик бирликларга бағишлиланган луғатларини бунга мисол қилиш мумкин. Мазкур луғатларда лексемаларнинг ички ва ташки алоқалари асосида уларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари очиб берилган.

Синонимлар луғати тил бирликларини семантик теглаш учун манба вазифасини ўтайди. Луғат ҳозирги ўзбек адабий тили учун характерли бўлган синонимик қаторларни ўз ичига олган. Унга фақат лексик синонимларгина киритилган (Тил корпушлари контекстуал синонимларни ҳам қамраб олиши лозим). Ёрдамчи сўзлар орасида ҳам синонимия ҳодисаси кузатилгани сабабли луғатга шундай синонимлар ҳам киритилган. Бир ўзакдан синоним аффикслар ёрдамида ясалган қандайдир, аллақандай; раҳмсиз, бераҳм каби сўзлар ўзаро, шунингдек, бир сўзнинг турли фонетик варианtlари (гоҳо, гойида, года каби) луғатда мустақил синонимик қатор сифатида келтирилмаган. Лекин бундай сўзлар бошқа сўзлар билан синоним бўлган тақдирда, шу синонимик қаторда уларнинг фонетик варианtlари ва синоним аффикслар ёрдамида ясалган сўзлар ҳам келтирилган. Масалан, гоҳо сўзи баъзан, унда-бунда, ора-сира каби сўзлар билан синоним бўлгани учун шу синонимик қаторда унинг гоҳида, гойида, года варианtlари ҳам келтирилган. Луғат мақоласи тузилиши қуйидагича:

Бир сўз бирдан ортиқ синонимик қаторда бош сўз бўладиган бўлса, бу ҳолат рим рақамлари билан кўрсатилган. Масалан:

АЙТМОҚ I, БАЁН ҚИЛМОҚ, ИЗХОР ҚИЛМОҚ, БИЛДИРМОҚ. “Фикр, мақсадни (бирор гап-сўзни) оғзаки ифода этмоқ”.

АЙТМОҚ II, ТАКЛИФ ҚИЛМОҚ, ЧАҚИРМОҚ, ЧОРЛАМОҚ. “Келиш, иштирок этиш, ташриф буюришни илтимос қилиб мурожаат этмоқ”.

АЙТМОҚ III, ОЛМОҚ. “Ижро этмоқ” (ашула, кўшиқ ҳақида).

Ҳар бир луғат мақоласи қўйидаги қисмлардан ташкил топган: 1) синонимик қатор; 2) синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган маънонинг изохи; 3) синонимик қатордаги ҳар бир сўзга хос хусусиятнинг таърифи; 4) синонимик қатор ва ҳар бир синонимга берилган таърифни тасдиқловчи мисол. Синонимик қатордаги сўзлар бирдан ортиқ маънода ўзаро синоним бўлса, бу ҳолат араб рақамлари билан кўрсатилган:

АСРАМОҚ, САҚЛАМОҚ. 1. Ёмон таъсир, салбий ҳодисадан ҳимоя қилмоқ: Золимнинг зўридан ўзинг асрал... (Ойбек), Лутфинисо... “ёмон кўздан сакласин” учун... (Ойбек)

2. Йўқ бўлиш ва ш.к.га йўл қўймай эҳтиёт ҳолда тутмоқ: Ёлвориб сўрайман, асра қалбингда,,.. (Уйғун). Ота, сен кўпдан йўқ... сенинг қалбингни қалбимда сақлайман,

сақлайман ҳамон (Шұхрат).

3. Бирор мақсад билан тутмоқ: Узум сақламоқ мол сақламоқ.

Атөв бирліктерини тил корпуслары учун “сүздан тушунчага” принципи асосида семантик теглашда теглаш натижаси (натижә қидирав ойнасида күрінади) синонимлар луғатидаги луғат мақоласи тартибида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Антонимлар луғати ҳам тил бирліктерини семантик теглаш учун яхши манба бўла олади. Бу луғат ҳозирги ўзбек тилидаги антонимларнинг дастлабки луғати; унда 495 антонимик гурӯҳга бирлашувчи 1800га яқин антонимик жуфтлик изоҳланган; антонимик муносабат лексик маънолар орасида белгиланиб, маъноси изоҳланган, мисол келтирилган. Ҳар бир антоним остида, агар мавжуд бўлса, синоними ҳам келтирилган. Луғат тузилиши қуйидагича:

1. Луғатда иккى хил: изоҳ ва ҳавола мақолалар мавжуд.

2. Изоҳ мақоласи анча мураккаб тузилиши; унда аввал антонимик жуфт келтирилган; изоҳ мақоласини бошлаб берувчи бундай жуфтликда антонимлар алифбо тартибида жойлашган: ёмон – яхши, секин – тез каби.

3. Изоҳ мақоласида, агар мавжуд бўлса, ҳар бир антоним остида синоними келтирилган. Бундай синонимларни ост-уст жойлашда алифбо тартибига эмас, балки уларнинг нутқда оз/кўп ишлатилишига амал қилинган. Фразеологик ибора антоним бўлиб келса, у синоним сўзлардан кейин жойланган.

ХАФА 2

ғамгин

ғамли

ғуссали

қайғули

қоғоғидан қор ёғади

ХУРСАНД 2

шод

хуррам

хушнуд

вақти чоғ

оғзи қулогида

Бундай антонимик гурӯҳнинг биринчи вертикал қаторидаги ҳар бир сўз иккинчи вертикал қатордаги ҳар бир сўзга антоним бўлади.

5. Антонимик жуфтлардан нутқда энг кўп ишлатиладигани – доминант жуфтлик белгиланган; луғат мақоласида доминант антонимик жуфтлик қора рангли бош ҳарфлар билан ёзилган; уларнинг синоними эса қора рангли кичик ҳарфлар билан ёзилган:

АЗОБ

азоб-уқубат

захмат

роҳат-фароғат

6. Ҳар бир антонимнинг маъносига таъриф берилган:

АЗОБ

Рұхан ёки жисмонан кучли

даражада қийналиш

7. Ҳар бир антоним мисоллар билан далилланган:

8. Кўп маъноли сўз бир маъноси билан бир сўзга, бошқа маъноси билан бошқа бир сўзга антоним бўла олади. Масалан, бутун сўзи йиртиқ, тешик жойи йўқ маъноси билан йиртиқ сўзига, синик жойи йўқ маъноси билан синик сўзига антоним бўлади. Бундай антоним маънолар луғат мақолаларида араб ракамлари билан белгиланиб, алоҳида-алоҳида изоҳ мақоласи сифатида ишланган:

БУТУН 1

Йиртилмаган, тешилмаган,

йиртиқ, тешик жойи йўқ

БУТУН 2

Синмаган, синдирилмаган,

синик жойи йўқ

ЙИРТИҚ

Йиртилган, тешилган, йиртиқ,

тешик жойи бор

СИНИК

Бутун эмас, бирор жойи учган,

кўчган, ёрилган

9. Айрим антонимик жуфтлар бирор бошқа сўз туркуми сифатида келганида ҳам шундай бўлади.

Мавжуд антоним ва синонимлар луғатини корпуснинг базасига боғлаш, қидирав

берилганда шу луғатлардан гиперссылка асосида топишни йўлга қўйиш дастурчи учун қийинчлилік туғдирмайди. Энг асосийси, хомашё бор, фақатгина уни корпусга жойлаштириш ва қидируга бўйсундириш муаммоси мавжуд. Тўғри, бунинг учун ушбу луғат матнлари бир неча техник қайта ишловлардан ўтказилиши лозим [қаранг:6].

Корпус учун шундай ахборот базаси вазифасини имкон қадар бажара олувчи луғат мактаб ўқувчиларига мўлжалланган даражаланиш қатори луғати бўлиб, ҳозирча луғатнинг бундай тури фақат мактаб ўқувчилари учун ишланган [қаранг:8]. Агар ўзбек тили миллий корпуси яратилса, луғатларнинг чексиз турлари автоматик тарзда пайдо бўлади; луғат материали эса тез-тез янгиланиб туради.

Сўзларни семантик теглаш учун гипер-гипонимик (жисм-тур) ва холо-меронимик (бутун-бўлак) муносабатларни акс эттирувчи луғатлар, афсуски, ўзбек тилида ҳали яратилмаган. Табиийки, сўзларни шу параметрлар асосида семантик теглаш учун лексикографик материал мавжуд эмас. Семантик теглашда фақат бу борада қилинган тадқиқотларга таянилган ҳолда, мустақил, кўл меҳнати билан эришиш мумкин.

Хулоса. Тил бирликларини корпус учун семантик теглашда шу пайтгача тилшуносликда лексик-семантик муносабатлар тадқиқи натижага сида қўлга киритилган ютуқлар, назарий материал ва луғатлар лингвистик таъминот базаси сифатида хизмат қилади. Семантик теглаш ҳақидаги мавжуд тавсиялар асосида корпус семантик қидирувани мукаммаллаштириш, тил бирликларини автоматик семантик теглашнинг лингвистик таъминотини ишлаб чиқиш – галдаги вазифа.

АДАБИЁТЛАР

1. Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2005. – С. 27-48.
2. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамоили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004.
3. Нурмонов А. Ўзбек тили лексикологиясининг шаклланиши ва такомиллашуви. Ҳадя (проф. Ҳ.Неъматовнинг 60 йиллигига бағишлиланган тўплам). – Тошкент: Мерос, 2001.
4. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар //Докторлик диссертацияси. – Т., 2002.
6. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. – Бухоро, 2018. – 250 б.
7. Фалсафа (ўқув кўпланма). – Тошкент: Шарқ, 1999.
8. Bobojonov Sh., Islomov I. O'zbek tilining so'zlar darajalanishi o'quv lug'ati. (maktab o'quvchilari uchun) – Toshkent: Yangi asr avlod, 2007.

УДК:821.512.133-131

"АЛПОМИШ" ТИЛИ – МАЪНАВИЯТ ТИЛИ ЯЗЫК "АЛПОМИШ" - ДУХОВНОСТЬ ЯЗЫК

"ALPAMISH" LANGUAGE IS THE LANGUAGE OF SPIRITUALITY

Ходжиев Юсуф Норқулович

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

Таянч сўзлар: маънавият, маънавий, маънан, тил, лисон, нутқ, экзотизм, эвфемизм, дисфемизм, этнографик лексика, этнографизм, лексема, ибора, сўз бирикмаси, мақол, матал.

Ключевые слова: духовность, духовный, духовно, язык, речь, экзотизм, эвфемизм, дисфемизм, этнографическая лексика, этнографизм, лексема, выражения, словосочетание, пословица.

Key words: spirituality, spiritual, meaning, language, speech, exotism, euphemism, disphemism, ethnographic lexeme, word construction, proverb, saying.